



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИ
БОЖХОНА
ИНСТИТУТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИ ДОИРАСИДА
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ДАВЛАТ
ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”**

**мавзусида республика илмий-амалий анжумани материаллари
тўплами**

Сборник материалов научно-практической конференции на тему

**“АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ
ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
В КОНТЕКСТЕ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ
ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА”**

Тошкент шаҳри, 2019 йил, 24 апрель

устуворлигига эришиш;

– истеъмолга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб бориш;

– импорт ўрнини боса оладиган товарларни иложи борича мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиб, экспорт салоҳиятини ошириш;

– аҳолининг муҳим халқ истеъмоли товарлари турига бўлган талабларини тўлароқ қондириш;

– меҳнат ресурсларининг иш билан самарали бандлигини таъминлаш.

Хулоса қилиб айтганда, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва кичик бизнес субъектлари интеграциясини бошқаришни такомиллаштириш учун қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

– кичик корхоналарни йирик бизнес бошқарувининг таъминот ва маҳсулотларни сотиш бўйича маркетинг тузилмаларига интеграциялаш;

– кичик бизнес субъектларини илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига жалб қилиш, натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишда амалий ёрдам кўрсатиш;

– кичик бизнес тузилмалари бошқарувини ташкил этишни такомиллаштириш, бу сектор учун менежерлар ва маркетинглар тайёрлаш сифатини ошириш, уларга тадбиркорликнинг замонавий усулларини ўрганишларига ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

*Ҳ.Ҳ. Имомов, Молия ва солиқлар
кафедраси доценти, и.ф.н.,*

*Р. Файзиев, Ж. Муродов, Ж. Тухтамуродов,
МКФ-01 гуруҳи магистрлари,
ТДИУ*

ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ЯХШИЛАШДА ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ ИЖОБИЙ ТАЪСИР ҚИЛУВЧАНЛИК ҲОЛАТИ

Давлат инвестициялари, инфратузилма ва иқтисодиётнинг потенциал рақобатбардош секторларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши бир мунча ижобий натижалар бериши муқаррар. Бироқ, шу нарса аниқ бўлиши керакки, зарур ресурслар ва улар талаб

қилинадиган тармоқларга самарали даражада ишлатилишини назорат қилиш лозим. Бундан хорижий ва маҳаллий инвестицияларга кўпроқ эътибор қаратиш келиб чиқади. Улар эса қулай инвестицион муҳитни талаб қилади.

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг дастлабки босқичида юзага келадиган маъмурий тўсиқлар ер ресурсларидан фойдаланиш, қурилиш майдонларини ободонлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун инфратузилма яратиш муаммосини ҳал қилиш билан боғлиқ. Бунда хорижий инвесторнинг қўшимча харажатлари ер участкасини сотиб олиш ёки ижарага олиш, қурилиш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ. Масалан, қурилишни яқунлаш учун турли инспекциялардан учта ҳужжат олиш талаб қилиниши мумкин, бунга неча ой вақт кетиши мумкин, ёки ерни узок муддатга ижарага олишни тегишли суммани тўлаган ҳолда кафолатлаш талаб қилиниши мумкин. Шунга ўхшаш маъмурий тўсиқлар инвестициялар чўзилишига олиб келади.

Ривожланаётган мамлакатлар, бошқалар сингари миллий режим тамойилига амал қилади. Бироқ улар тўлов баланси ҳолатига ижобий таъсир қилувчи хорижий инвестицияларни – импортнинг ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган соҳалар, туризмга инвестицияларни алоҳида рағбатлантириши мумкин. Кўпгина мамлакатларда миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим бўлган инвестиция лойиҳаларга – мамлакатда мавжуд бўлмаган технологияли лойиҳалар, кўп капитал талаб қилувчи лойиҳалар, кам ривожланган ҳудудлар билан боғлиқ лойиҳалар учун махсус ёки қўшимча имтиёзлар қўлланади. Алоҳида имтиёзлар бериш қонунчиликда технологиялар характери, маҳаллий аҳоли орасидан бандлар сони, капитал қўйилмалар миқдори, ички бозор учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотга максимал нархлар хусусида белгилаб қўйилган аниқ шартлар билан келишилади. Ушбу шартларга жавоб берадиган хорижий инвестиция иштирокидаги корхона устувор мавқега ва қўшимча имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу тариқа ривожланган давлатларнинг хорижий инвестицияларни рағбатлантириш амалиётида молиявий воситалар, ривожланаётган мамлакатлар ва бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатлар амалиётида – рағбатлантиришнинг фискал ёки солиқ воситалари кўпроқ қўлланади. Кейинги мамлакатлар кўпинча импорт қилинаётган ишлаб чиқариш ускунасига имтиёзли бож тўловлари (саноати ривожланган давлатларда бу кўпчилик саноат ускуналари

учун бож ставкалари юқори бўлмагани учун кам самарали ҳисобланади), фойдадан корпоратив солиқ ставкаларини камайтириш, солиқ таътиллари бериш чораларидан фойдаланади.

Кўплаб жараёнлар, масалан, маъмурий буйруқбозлик, коорпоратив бошқарувни йўлга қўйиш, суд тизимининг ишончли ишлашини таъминлаш, коррупцияни бартараф қилиш ва бошқа институционал ўзгаришлар узоқ муддатли характерга эга. Принципиал ва оқилона сиёсат вазиятни тез, доимий ва бетўхтов яхшилашга олиб келади. Шунда инвесторларда бугунги кун кечаги кундан яхши, эртага эса бугундан ҳам яхшироқ бўлишига ишонч ҳосил бўлиши тайин. Шунинг учун давлатнинг иқтисодий сиёсатида инвестицияларни, жумладан, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва жамғармаларни рағбатлантиришда узоқ муддатли стратегия талаб қилинади.

Кўп ҳолларда инвестициялар самарадорлигидан кўра уларнинг ҳажмини кўплиги инвестициялар самарадорлиги деб қаралади. Гап шундаки, инвестициялар етишмаслиги бизни аввало, инвестициялар ҳажмини оширишга ундайди. Бироқ аслида биз самарадорликни афзал кўришимиз лозим, чунки режа асосидаги иқтисодиётдан бозор ҳўжалигига ўтишда кузатиладиган инвестицион режимларни алмаштириш жараёни яқунланмаган. Шунинг учун ҳам ҳозирда барча инвестициялар бир хилда фойдали бўлавермайди. Корхоналар, жумладан, маҳаллий инвестицияларнинг катта қисми ҳам самарадорлик кўрсаткичлари бўйича паст бўлиб келмоқда. Албатта, инвестициялар ҳажми қанчалик катта бўлса, уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари лойиҳалар сифатли бажарилганда шунчалик юқори бўлади. Ҳажмнинг ўсиши билан молиялаштирилаётган лойиҳалар рўйхатига киритилиши мумкин бўлган лойиҳалар сони ортади. Бироқ бу рўйхатда биринчи ўринларни энг самарали лойиҳалар эгаллаши муҳим аҳамият касб этади.

Охирги пайтларда иқтисодий ўсиш учун истеъмол талабини рағбатлантириш ва аҳолининг пул даромадларини ошириш керак деган нуқтаи назар кенг тарқалди. Ҳатто ойлик маошларни бирданига икки баравар ошириш таклифлари ҳам берилди. Шунинг ёдга олиш керакки, аҳолининг даромадлари меҳнат маҳсулдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан бир пайтдагина реал ўсиши мумкин. Бошқа яна бир усул – пулни кўпроқ босиб чиқариш ва номинал пул даромадларини еб юборадиган нарх ўсишини кутиш, бу биз учун

кераги йўқ. Лекин, ривожланган мамлакатларда шунингдек солиқ имтиёзлари, жумладан тезлаштирилган амортизация ва корпоратив солиқ ставкаларини қўллашдан кенг фойдаланилади. Ривожланаётган мамлакатлар нисбатан кўпроқ солиқ ставкаларини пасайтириш, солиқларни қайтариш, солиқ таътиллари бериш чораларидан ҳам кенг фойдаланади. Агар биз инвестицияларни жалб этиш ёки рағбатлантириш ҳақида гапирадиган бўлсак, буни қандай қилган маъқулроқ устувор лойиҳалар ёки инвесторларга бирон-бир имтиёз бериш ҳисобигами ёки ҳамма учун бир хил қулай шароитлар яратиш ҳисобигами деган савол туғилади. Савол жуда ҳам ўринли, чунки, биринчидан, муайян имтиёзлар, махсус шароитлар тақдим этиш осонроқ ва улардан тезроқ самара олиш мумкин. Биз учун айнан шундай амалиёт кўпроқ характерли.

Юзага келган вазиятда инвесторлар учун айрим имтиёзларни, масалан, солиқ кодексида кўзда тутилган инвестицион солиқ кредитини қўлламасликнинг имкони бўлмайди. Бироқ қоидага кўра, инвестициялар учун шароитларни умумий яхшилаш, масалан, солиқлар бўйича имтиёзлар ўрнига солиқ юкини умумий пасайтириш самаралироқ бўлади. Капитал оқимининг чиқиб кетишини тўхтатиш учун нима қилиш кераклиги асосий муаммолардан бўлиб келмоқда. Бу ерда иккита тамомила ҳар хилли ёндашувлар мавжуд, бироқ улар бир-бирини тўлдириб туради.

Биринчи ёндашув – маъмурий чекловлар ва давлат назоратини кучайтириш.

Иккинчи ёндашув – капитални олиб чиқиб кетиш фойдасиз бўлиши учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратиш муҳимроқ ва истикболлироқ ҳисобланади. Бироқ капитал оқимининг таркибий хусусиятларини, унинг турли таркибий қисмларини ҳисобга олиш лозим.

Шунингдек, инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича ишларда устуворликларни ҳам белгилаш лозим. Экспертлар фикрига кўра коррупция ва жинойтчиликка қарши кураш, суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва корпоратив бошқарувни яхшилаш, Ўзбекистон корхоналарининг чет эллик инвесторлар ва кредиторлар учун «шаффоф»лиги инвестицион муҳитни яхшилашнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу эса ноқонуний йўл билан ишлаб топилган пулларни «ювиш» мақсадида капиталлар оқими келиб чиқишини олдини олишга ва миллий иқтисодиётимизга чет эл